




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСІЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 125 (9.317) 1999 йил 27 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

5 декабрь 1999 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 27 октябрь 2000

Олий Мажлис ва
маҳаллий Кенгашларга
сайловларга

39:
кун қолди

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловига

74:
кун қолди

КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, шу йилнинг 5 декабрида Республика Олий Мажлисида ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

Бугунги кунда сайловда қатнаётган ишлар тўғрисида Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи комиссия раиси ўринбосари, Адлия бошқармаси бошлиги вазифини бажарувчи Ёқуб БОЗОРБОВЕВ кўйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон давлат ҳокимияти барча даражадаги вакиллик идораларига бўладиган бу сайловлар Республикада давлат мустақиллигига эришганидан кейин ўтказиладиган иккинчи сайловдир. У аввалгисидан фарқланиб ўнда сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда биринчи марта фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳам депутатликка сайлаш учун ўз номзодларини кўрсатишди.

Фуқаролар томонидан кўпроқ эътибор Олий Мажлисга бўладиган сайловларга қаратилмоқда. Чунки у халқнинг ваколатини беш йилга олиб шу даврда қонун чиқарувчи яқка-яқона давлат ҳокимиятининг Олий органи бўлади. Янги Олий Мажлисида унда самарали ишлай оладиган, масалаларни ҳал қилишга ҳақиқий давлат арбобларидек ёндоша оладиган одамлар сайланиши ҳаёт тақозо этмоқда.

Янги сайланадиган Олий Мажлис зиммасида кейинги йилларда вужудга келтирилган қонунчилик амалиётини давом эттириб, давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, тинчлик, тотувлик ва барқарорлиқни таъминлашга, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларни муваммаллаштиришга ва шу асосда аҳолининг реал даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби жиддий вазифалар бўлади.

Барча сайловчилар — уларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тен сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов тўғрисидаги Қонунларда сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишга ошқоралик алоҳида таъкидлаб ўтилган. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайловлар якунларидан ва бу таъбириш ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалардан хабардор қилмайдилар.

Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов кўни овоз бериш ҳоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан қўзғатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қўзғатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.



Тошкент Молия институтига фаолият кўрсатётган 550-сайлов участкасида ҳам ўтказиладиган сайловларга қизгин тарафдад қўрилмоқда. Сайлов участкасининг раиси Зиёдулла Давронов (ўн-да) биринчи марта сайловда овоз берадиган ёшлар билан суҳбатлашмоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

затувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Тошкент шаҳрида Олий Мажлиси 25 та, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига 60 та сайлов округлари ва 670 сайлов участкалари тўзилади.

Ҳозирги вақтда шаҳардаги сайлов округларида, сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар олиб боришмоқда. Бу йилги сайловда илк бор депутатликка номзодлар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан ҳам кўрсатилиши муносабати билан жойларда ушбу масала қандай тартибда амалга оширилиши хусусида мулоҳазалар бўлимоқда.

Адлия бошқармаси Тошкент давлат юридик институтини билан биргаликда Республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказиладиган сайловлар масаласида шаҳарнинг ҳар бир туманида округ сайлов комиссиялари, туман ҳокимияти масъул ходимлари билан 27 сентябрь кунидан бошлаб шаҳар ҳокимияти томонидан тасдиқланган жадвалга асосан ўқув машғулотини ўтказди.

Бу йилги ишларда Қонуннинг 22-1 моддасида назарда тутилган депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш — сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузишда дастлаб қилинадиган ишлар, гуруҳнинг ваколатли вакили ва унга расмийлаштириш лозим бўлган ишонч қўғози, номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаш тартиби ва уни йўлга қўйишга асосланган микдори округдаги ҳар бир маҳаллапар бўйича тенг равишда тақсимланиши каби масалалар юзасидан қизгин мулоқазалар бўлиб ўтди.

Адлия бошқармаси ва Тошкент давлат юридик институтини шаҳардаги округ сайлов комиссиялари ва сайлов участкалари комиссиялари аъзоларига сайловга тайёргарлик борадида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишини давом эттириш мақсадига бевосита маҳаллаларда фуқаролар билан сайлов ҳақидаги қўнунлар юзасидан суҳбатлар уюштириш ҳамда мазкур масалада уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари хусусида тушунтиришлар бериш ҳамда сайлов участкаларида ҳуқуқшунослардан иборат навбатчилик ташкил қилинишини режалаштирди.

Шу тадбирларни ўтказишга Адлия бошқармаси ходимлари, Тошкент давлат юридик институтини домлалари, туман судлари, ФХД бўлиmlари, нотариал идоралар хизматчилари ва адвокатлар жалб этилди.

Ҳадемай — декабрь-январь ойларида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Мазкур сайловларнинг илгариси сайловлардан фарқи, номзодларга овоз бериш жараёнидаги эркинликлар хусусида ҳамшаҳарларимиз кўйидаги фикрларни билдирди.

Абдуғаффор КИРҒИЗБОВЕВ, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети биринчи проректори:

— Ўзбекистон мустақилликка эришган барча соҳа ва жабҳаларда эркинликларга, шунингдек демократик сайлов ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлди. Айниқса, шу даврдаги овоз бермаган ҳолат — ташаббускор гуруҳларнинг

ВАТАНИМИЗ ИСТИҚБОЛИ УЧУН

тузилиши ва унда халқнинг ўз номзодларини Олий Мажлис депутатлигига кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Округ сайлов комиссияларининг ушбу гуруҳлар билан бевосита иш олиб боришлари депутатликка ҳақиқий ватанпарвар, фидойи инсонларнинг номзодлари қўйилишида муҳим омил бўлмоқда, десак ҳеч биримиз адашмаймиз. Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизда сайловларнинг одилона ва ҳақоний тарзда ўтказилиши йўлида олиб борилаётган барча ижобий ишлар юртимизнинг тинч-оқшопчилиги ва унинг раванки йўлида амалга оширилаётган саяҳаракатларнинг биридир.

Йўлдошўжа АБДУРАХМОНОВ, «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли:

— Икки аср бир-бирига ўрин бераётган бир пайтда ўтказиладиган сайловлар ўзининг демократик ўзгаришларга эга эканлиги билан аввалги сайловлардан ажралиб туради. Хусусан, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ҳокимият

вакиллик органлари билан бир қаторда маҳаллаларда ташаббускор гуруҳлар тузилиб, бу гуруҳлар орқали халқ ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганлиги ана шу ўзгаришлардан биридир. Эндикда бу гуруҳлар орқали маҳаллий халқ бир вақтлар бўлганидек, маҳаллага сув келтирмаган, уни обод қилмаган, деган кимсаларни эмас, балки ўзлари билган, эл учун нафи тегадиган ҳақиқий халқчил Қўнунлар яратиш йўли билан Ватан раванкига ўз хистасини қўша оладиган жонқуяр инсонларни Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатадилар. Бизнинг «Бўстон» маҳалласи ахли ҳам ўзларининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан келиб чиқиб 19-сайлов округидан халқ иши учун камарбаста бўла оладиган ўз номзодини кўрсатдилар. Ўйлаётганимиз, адолат тамойилларига асосан ўтказиладиган сайловлар Ватан истиқболи ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Шу йил 5 декабрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан тахририятимизга кўллаб муштарийлар сайлов қўнунлари юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича мактублар йўлламақдалар. Кўйида дастлабки саволларга жавоб қайтарамиз:

САВОЛ: 1999 йил 5 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов кўни деб эълон қилинди. Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми ҳақида тушунча берсангиз.

ЖАВОБ: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси» тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасига асосан Олий Мажлиси депутатлар сайловини умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кўнига 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий Мажлиси сайланиш ҳуқуқига сайлов кўнига 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органнинг депутаты бўлиши мумкин эмас.

САВОЛ: Фуқаролар сайловда иштирок этишда қандай ҳуқуққа эгадирлар?

ЖАВОБ: Фуқароларни сайловда иштирок этишлари Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасига асосан тенг сайлов ҳуқуқи асосида амалга оширилади.

Хар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый мавқеи, irqи ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати

машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Президент Ислам Каримов Олий Мажлисининг ХУ сессиясида «Хар бир сайловчи ўз бурчини собиқ иттифок даврида бўлгани каби сайлов бюллетенлари рақиб оила-оила бўлиб қўйишга ташлашдан иборат деб билмай, аввал атганимдай, бу жараёнга онгли равишда ёндошмоғи, ўз овози, жамият ва давлат ҳаёти учун, келажак учун аҳамият-ли эканини, сайловчи сифатида зиммасида катта масъулият борлигини англаб етишга эришмоғи даркор» деб таъкидлаб ўтган эди.

САВОЛ: Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тартиблари ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: «Олий Мажлиси» тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасига асосан, Олий Мажлис сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш сайлов комиссиялари очик ва ошқора амалга оширадилар. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов участкалари тузиш-ганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссияларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этидилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирилди, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилмайдилар.

Абдувоҳит ВАХОБОВ, юридик фанлари номзоди, доцент.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

КЕЧА

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 9 ойда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш йўналиши ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги масалаларга бағишланган маж-лиси бўлиб ўтди. Унда Ко-рақалогистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ва Ва-зирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазир-лик, кўмита, корпорация,

концерн, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошқарди. Кўн тартибидида масалалар юзасидан Бош вазир ўрин-босарлари Бахтиёр Ҳамидов, Ҳамидулла Кароматов ва Ва-лерий Отаевнинг ахборотла-ри тингланди.

Мажлисида муҳокама этил-ган масалалар юзасидан те-гишли вилоят, вазирлик ҳам-да идораларнинг раҳбарла-рига зарур топширик ва кўр-сатмалар берилди.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАҲАЛАДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХТ) кам сонли миллатлар иши бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стулни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Эргаш Шоисматов Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги этиб тайинланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ЕХТнинг кам сонли миллатлар иши бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стул Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Маълумки, яқинда Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлашти-рувчи Келишув кенгаши тузилган эди. Кеча мазкур кенгаш-нинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига Ўзе-бекистон Республикаси Президенти номидан шўҳрат, жасо-рат ва эътиқод рамзи бўлган Жанговар байроқ топширил-ди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетидида Марказий Осиё мамлакатларидаги олий ўқув муассасалари-да халқаро тижорат ҳуқуқини ўқитиш масалаларига бағиш-ланган семинар ўтказилди.

Ибн Сино Халқаро фонди «Абу Али ибн Синонинг соғлом турмуш тарзи мероси» мавзусида илмий-амалий кон-ференция ўтказди.

Кеча «Ўзэкспомарказ»да 3-халқаро қурилиш кўргазма-си намойиши бошланди. «Construl Central Asia—1999» кўр-газмаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқа-лар вазирлиги ва Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» компанияси ҳамкорлиги-да ўтказилмоқда.

Бугун республика Киночилар уйида «Ўзбек киноси тараққиётида Наби Ғаниев ижодининг аҳамияти» мавзусида ижодий анжуман бўлиб ўтди. Кечқурун эса ўзбек миллий киноси асосчиси, актёр, режиссер Наби Ғаниев таваллуд-нинг 95 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлади.

ЖАҲОНДА

Украинада Президент сайловларга бор-йўғи уч кун қолди. Сайловларни уч йўзда энг хоржий қўзғатувчилар қўзғатди. Украина Верховная Радасининг раиси, презид-ентликка номзод Александр Ткаченко ўз номзодини комму-нистлар етакчиси Петр Симоненко фойдасига қайтариб ол-ди. Бу ҳақда у кеча Киевда ўтказилган матбуот анжуманида айтди.

Бугун АҚШ Президенти Билл Клинтон Европа комис-сиясининг президенти Роман Проди билан жаҳон савдоси бўйича музокаралар олиб боради.

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе Грузия маъмурлари чеченистонлик қўроланган кишиларни мам-лакат ҳудудида қиритмаганлар ва бундан кейин ҳам кирит-майдилар, лекин тинч қочқорларга ҳалақит бермайдилар, деб айтди.

Бугун туркман халқи ўз миллий байрами — Мустақил-лик кўнини нишонламоқда.

Шу йилнинг 1 ноябидан бошлаб Россияда йўловчи-лар ва юк ташви тарифлари 10 фоизга оширилади.

Душанба кўни бундан икки ярим ой муқаддам Қирғи-зистоннинг жанубида қўлга олинган, кейин эса Тожикистон ҳудудида сақланаётган япониялик тўрт геолог ва уларнинг тарҳимони бўлган қирғизистонлик фуқаро озод этилди. Қир-ғизистон ҳукумати гаровдагилар аэзавига халқаро террорчи-ларга номаълум миқдорда пул ва бир неча тонна ун бер-ган.

Собиқ Бош вазир Навоз Шариф етакчилик қилаётган Покистон мусулмонлари лигаси армия билан қарама-қар-шилиққа бормаслик ҳақида қарор қабул қилди.

Анкара суди қурд исёнчилари раҳбари Абдулла Ўжа-лонининг ўлим жазоси юзасидан кассацион шикоятини кў-риб чиқишга киришди.

Мозамбикда шу йил декабрь ойда ўтказиладиган Пре-зидент сайловига қизгин тайёргарлик бошланди. Презид-ентликка икки кишининг номзоди — мамлакатнинг айни пайт-даги раҳбари Жозак Чиссанго ва Мозамбик миллий озод-лик партияси раҳбари Афонсу Длакама номзоди қўйилган.

Чеченистон Президентининг Москвадаги ишончли ва-кили Майбек Вагахов хабар қилди. Унга қонуннинг тарзда қурол сақлаганлиги айби қўйилмоқда.

Тунисда мана шу якшанба кўни мамлакат президент-лиги ҳамда парламентга навбатдаги сайловлар ўтказилди.

Шу йилнинг 21 октябидан эътиборан Бирлашган Араб Амирликларида экологик жиноят учун ўлим жазоси қўлга кирди.

Кеча Россиянинг «Труд» газетаси бундан 20 йил му-қаддам Днепродзержинск узра учиб кетаятган «Пахтакор» футбол командасининг фойали авиация ҳалокатига бағиш-ланган суратли мақола чоп этди.

Ўзбекистонлик таниқли теннисчи Ирода Тўлағанова Жанубий Корея пойтахти Сеулда бўлиб ўтган теннис бўйи-ча хотин-қизлар мусобақаларида аjoyиб ғалабаларга эриш-ди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида 32 нафар теннисчи иштирок этган бу мусобақа финалида Ирода Тўлағанова таиландлик теннисчи Тимари Танасо устидан ҳам ғалаба қозонди.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Хар қим ўз севган ошини ичади, дейдилар. Дарҳақиқат шундай! Бу гапни айни даврий нашрларга келгу-си йил учун обуна кетаётган кез-ларда ҳам қўллаш мумкин. Биноба-рин, сиз, қадрли «Оқшом» муш-тарийларини биз газетамизнинг чин их-лосмандлари деб биламиз ва сизлар-нинг қарийб 35 йилдан буён «Тошк-ент оқшом» газетасига нисбатан са-доқат кўрсатиб, уни мунтазам ўқиб бораётганингизни гоят қадраймиз. Шундай экан, бу гал ҳам дўст тан-лаида адашмаслигингизни маслаҳат берамиз. Ўйлаيمизки, келгуси йилда ҳам сиз газетамизнинг чин муш-тарийси бўлиб қоласиз.

Ҳозир пойтахтимиздаги ҳамма ало-қа бўлиmlарида «Тошкент оқшом»га келгуси йил учун обуна қабул қилин-

моқда. Демак уни 2000 йилда мунта-зам ўқиб бораган десангиз обунани рас-миyllаштиришни кечиктирмаган. Шунинг ҳам айтиши керакки, «Оқ-шом»нинг мамлакатимизнинг турли бурчақларида ўз муштарийлари бор. Шу боисдан унга республикамизнинг ис-талган бурчақларида истиқомат қилаёт-ган ҳар бир киши обуна бўлиши мум-кин. Шу масалада бирор монелик бўл-гудек бўлса, тахририятимизга — 133-29-70 рақамли телефонга қўнғироқ қи-лишингиз мумкин.

Сўзимизни мухтасар қилар экан-миз, «Оқшом» келгуси йилда ҳам си-зинг энг содиқ дўстингиз бўлиб қоли-шига қафолат берамиз ва унинг яқка обуначилар учун наиш кўрсаткичи 209, ташкилотлар учун 563 эканли-гини яна бир бор эслатиб ўтамиз.



ФИКРЛАР, ИСТАКЛАР, ТАКЛИФЛАР

Пойтахт газетаси — «Тошкент оқшом» учун чин маънадаги дўстларимиз обунани биринчилардан бўлиб бошлаб беришди. «Оқшом»нинг фидойи дўсти бўл-ган ҳар бир газетхон учун тўртта саволдан иборат анкета ташкил этди. Анкетамизга жавоб йўллаган бошқарма, ташкилот, корхона раҳбарининг фикр-лари, истақлари, таклифлари «Обуна-2000» руқни остида бериб борилади.

Саволлар:

1. «Тошкент оқшом» газетаси ҳақидаги фикрларингиз...
2. Газетанинг фаолиятига истақларингиз...
3. Янги — 2000 йилда чиқадиган газета учун таклифларингиз...
4. Газетанинг келгуси йил обунаси учун қандай ҳисса қўша олдизингиз?

Собир САИДКАРИМОВ, Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси бошлиғи:

1. «Тошкент оқшом» га-зетаси том маънода ўзига хос газетадир. Унинг йиллар да-

вомидаги тахмалларига кўз ташласангиз, унда йилдан-йилнинг эмас, балки ҳар бир сони бир-биридан фарқ қи-лади. Ҳозирги кундаги фао-лияти ҳақида фикр билдира-диган бўлсам, ижобий то-монга ўзгариш қўн. У қўн қи-раллиги учун ҳам газетхон-

лар эътиборидан четда қол-майди. Яна бир фикрим ма-қолаларда ҳаётини масалалар ва воқеалар чўқур акс этти-рилади. Мана шу жиҳатлари билан газета муштарийларни ўзига тарта олади.

2. Энг аввало истардим-ки, газетанинг ижодий хо-димларига доимо илҳом ёр бўлсин. Сизларга маълумки, бошқармаимизнинг асосий иш фаолияти шахримиздаги аҳолини иш билан таъмин-лаш ва ижтимоий ҳимоя қи-лишдир. Истардимки, газе-

та саҳифаларида бошқарма-нинг ва туман меҳнат орган-ларининг аҳолига таъсири, фаолияти ҳақида янада кўп-роқ таҳлилий мақолалар ёзилса. Тадбиркорларимиз-нинг ишларига кенгроқ тўх-таб ўтишга яхши бўлар эди.

3. Таклифларим ҳам оз эмас. Ҳозирги бозор иқтисо-ди шароитида газеталар со-ни кўпайиб бораётган. «Оқ-шом» эса ўз нуфузига эга. Шунингдек, замон талабига мослашган ҳолда рангли бўл-са нур устига аъло нур бў-лар эди.

4. Бошқарма ходимлари «Оқшом»нинг ҳақиқий мух-лисларидир. Биз газетамиз-ни доимий маслаҳатқўйимиз, маслаҳодимиз деб тушуниб, 2000 йил учун 100 НУСХА га-зетага ёзилдик.

Текширувлар

ТОЗА ҲАВО —
ТАНГА ДАВО

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу билан бир қаторда табиатнинг бебаҳо захиралари — тоза ҳаво, сув, тупроқ, ер ости ва ер усти фойдали қазилмалари, яъни бойликларида оқилона фойдаланиш инсоният олдига турган энг долзарб муаммолардан биридир. Кейинги вақтларда табиатга кўп ҳаёт муносабатда бўлиш, унинг манбаларидан тартибсиз фойдаланиш оқибатида Ер шарида экологик мувозанат бузилиши кўзга ташланди. Натижада сайёрамизнинг турли нуқта-ларида кўпгина ҳаёт шартлари, ҳаво, сув, тошқин, турли тўфонлар, қаттиқ соғуқ оқимлари, қор қўқинлари содир бўлиши инсонлар яшаш ва турмуш шароитига катта ҳавф соляпти.

Ҳавони муҳофаза қилиш ҳозирги кунда давлат аҳамиятига молик умумхалқ ишига айланиб бормоқда. 1996 йил 27 декабрда мамлакатимизда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилингани бунга ёрдамчи бўлади. Маълумки, ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётнинг техник воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Техника тараққиётдан унумли фойдаланмасдан туриб, ишлаб чиқариш барча соҳаларда ташкил этиш мушкуллиги аниқ.

Турли хил ёнғил манбалари ҳисобига ишлаётган техника воситалари, завод, фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналаридан ўшбу жараёнда очик ҳаво турли хилдаги газ ва ту-нлар чиқмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳавони 70-75 фоиз миқдорда ифлос-лантирмоқда, турли касал-ликлар тарқалмоқда, ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар тур-лари кундан-кунга камайиб бормоқда. Шунингдек, ин-соният қўллаган табиий манбалардан маҳрум бўл-моқда. Атмосфера ҳавоси-нинг захарланиши ернинг азон қатламидаги ўзгариш-лар табиатда экологик му-возанатнинг бузилишига олиб келмоқда.

Табиатда экологик му-возанатнинг бузилиши халқ ҳўжалигининг барча со-ҳаларида, хусусан, ишлаб чиқаришга, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасига ўз таъсирини ўтказиш билан кишилар орасида юқумли, турли хил касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда.

Шундай экан, атмосфе-ра ҳавосини муҳофаза қи-лиш ҳозирги давр инсо-нияти учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб турганлиги илмий асосда ўз исботини топмоқда. Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, айлани-са атмосфера ҳавоси тозали-гини сақлаш умумдавлат ишига айланиб бўлиб, республика табиати му-ҳофаза қилиш давлат қў-митаси, унинг жойлардаги тармоқлари, соғлиқни сақ-лаш, ўрмон ҳўжалиги, ич-ки ишлар, санитария-эпи-демология хизмати, про-куратура ва бир қатор со-ҳалар билан шўғулланаёт-ган маҳкамалар, институ-тлар атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш билан қатъиян шўғулланиб келмоқдалар. Бу соҳада қатор меъёрий ҳужжатлар бўлиб, давлат томонидан белгиланган қонунлар асосида тўлиқ ҳимояланади.

Пойтахтимизда 2,5 мил-лионга яқин аҳоли яшай-ди. 570 дан зиёд корхона, муассаса, фабрика ва за-водлар ишлаб турибди. Хар куни кўчаларимизда 150 мингдан ошқ авто-транспорт воситалари ҳа-ракатланмоқда. Шунинг ҳис-обга олган ҳолда иш олиб бораётган Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари бир

Мирзо Улуғбек тумани шаҳримизнинг йирик ту-манларидан ҳисобланади. Унинг умумий майдони 3188,5 гектарни, кўка-ламзорлаштирилган майдони 757,4 гектарни, ирригация тармоқларининг узунлиги эса 225 кило-метрни ташкил этади. Туманда 38 та sanoat корхонаси, 24 та кичик ва ўрта автотранспорт корхоналари, мингга яқин ишлаб чиқариш билан шў-ғулланувчи кичик ва хў-сусий корхоналар мавжуд. Шу йилнинг 9 ойи мо-байнида юқорида қайд этилган корхоналарнинг барчаси текширилиб, уларга бажарилиши лозим бўлган қўрсатмалар берилди. Экология қонун-ларининг бузилгани учун 14 та мансабдор шахсга 36 минг сўм миқдорда жа-рима солинди.

Яқинда назоратчилар ту-мандаги 20 та корхона, 19 та автохалқона ва 15 та хў-сусий корхоналарнинг фао-лияти билан қизиқдилар.

НАЗОРАТЧИЛАР ЭЪТИБОРИДА

Текширув бир неча корхо-наларда табиий муҳит ҳаво-сининг зарарланишига етар-ли даражада эътибор берил-маётганлигини кўрсатди. Ўз навбатида бундай корхона-лардан 7 тасига баённома тузилиб, уларнинг иши ту-ман прокуратурасига топши-рилди. 23 та раҳбар ходим-ларга 28620 сўм ва 18 та фуқарога 5 минг 175 сўм миқдорда жарима солинди.

Туманга қарашли 21 та корхонада артезиан қудуқла-ри мавжуд. Шулардан савдо ускуналари заводи, «Тоша-томатика» корхоналари, Бо-ғи Эрам дам олиш маскани, Суяк силлари санаторийси каби ташкилотлардан сўвдан маҳсус фойдаланиш учун рухсатномалар йўқ. «Водока-нал» трести, «Тошкент тра-ктор заводи», «Тошсиклик-куввати» ишлаб чиқариш бirlashmalarida эса сўвдан маҳсус фойдаланиш учун берилган рухсатномаларининг мuddatlари ўтиб кетган. Шунингдек, туманда эколо-гик туловларни ўз вақтида

ҳисоб-китоб қилмаган кор-хоналар ҳам борлиги аниқ-ланди. Бундайлар жумласи-га «Тошкент трактор заво-ди» ишлаб чиқариш бирлаш-маси, Мелиорация қурилиш трести, «Тошсикликкувва-ти» ишлаб чиқариш марказ-ларини киритиш мумкин.

Очик сув ҳавзаларини оқа-ва сувлар билан ифлослан-тиришда ҳам «Тошкент тра-ктор заводи», «Тошсиккув-вати» ишлаб чиқариш бир-лашмалари «муносиб» ҳисса қўшиб келишмоқда.

Айтиш керакики, ўтган йил ҳисоби бўйича тумандаги деярли барча корхоналар статистик маълумотларни та-биатни муҳофаза қилиш идораларига топшириб ул-гурганлар. 23 та янгидан ташкил этилаётган, шунинг-дек қайта таъмирланаётган корхоналарнинг лойиҳаларини экологик экспертиза томо-нидан ижобий ҳал этилди. Туман корхоналари томони-дан бажарилиши шарт бўл-ган 24,3 миллион сўмга мўл-жалланган 35 та режа ва тад-

бирлар ишлаб чиқилди. Ле-кин афсуски, белгиланган бундай тадбирларни ўз вақ-тида бажармаётган корхона-лар ҳам туманда анча-мунча топилди.

Туманда 50 та маҳалла, коммунал-фойдаланиш бош-қармасига қарашли 9 та ижа-ра корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллалар 4 та округга бўлинган. Туман ҳокимлиги раҳбарлари ўш-бу округлар бўйича табиат муҳофазаси бўйича масъул этиб тайинланганлар. Шунинг-дек, туманда санитария ҳолатини ташкил этиш ва на-зорат қилиш бўйича ҳайъат штаби тuzилган.

Туман ҳудудидан бир не-ча каналлар оқиб ўтади. Улар атрофини ободонлашти-риш ва муҳофаза қилиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Қорасув», «Салор» каналла-ри кирғоқлари тозаланиб, кўкаламзорлаштирилди. Жо-рий йилнинг июли ойида ту-ман назорат инспекцияси, санитария-эпидемиология станцияси, шаҳар архитекту-ра бошқармаси билан ҳам-корликда ўтказилган рейд натижасида «Тўртарик», «Юзариқ», «Дархон», «Оққўр-ғон» каналлари ҳавзалари ҳам тартибга келтирилди.

Исмоил ШАМСИМУХАМЕДОВ.

Экология кундалиги

ҚАЧОНГАЧА ЖАРИМА ТўЛАЙСИЗ?

Табиат муҳофазасида қў-қондабузарликларга дўч кела-миз. Улар икки ҳолатда қон-дани бузадилар: 1) табиат муҳофазаси бу эртанинг ҳаёт-маълумоти экинлигини ту-шуниб етмайдилик ёки осон-гина жарима тўлаб қўйи-лишга интиладилик. 2) Лекин жарима табиат ҳимоясида қўшаётган ҳисса бўла ол-майди. Бунинг қўйида келти-рилатган жаримачилар ҳам тезроқ тушуниб етмайдилик-ни истардиқ.

1. «Ўсувташқитранс» авто-корхонаси Тошкент шаҳар та-биатини муҳофаза қилиш қў-митасининг ёзма қўрсатмасига қа-рамасдан рухсатсиз ҳавога чи-қиндилар чиқариб келган. Бу ҳо-латдан хабардор бўлган назо-ратчилар ўшбу автокорхонада бў-либ унинг директори 3. Назар-рўва йўл қўйган ҳатоси учун Ўз-бекистон Республикаси маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги ко-декснинг 85-моддасига асосан 5250 сўм жарима солинди.

2. «Файз-карьер» жамоа кор-хонаси шаҳримиздаги йирик кор-хоналардан ҳисобланади. Бу ер-да дизель ёнғилиши ёрдамида ишлаб чиқариш автокорхоналари ю-қори меъёрданги тутиқ чиқаришига қарамасдан уларни ишга чиқари-ш ҳоллари йўл берган. Нати-жада корхона бош муҳандиси Т. Расулрўва нисбатан Ўзбекистон маъмурий жавобгарлик кодексининг 87-моддаси қўллагани бў-либ 3500 сўм жарима солинди.

3. 6-«Махсустрас» корхона-си директори А. Толиповга нис-батан автокорхона ҳудудига не-фть-мўй маҳсулотлари билан ер-ости сувларини ифлослантири-ган учун назоратчилар 1750 сўм миқдорда жарима солиди.

4. Гишт заводининг «Кури-лишсервис» қўшма корхонаси атмосфера ҳавосига зарарли чи-қиндиларни чиқариш учун ма-хсус рухсатномаси йўқлигига қа-рамасдан қандай хилф равишда иш тутиган. Бунинг учун завод бош муҳандиси Р. Паратухин 5250 сўмлик жарима билан «сийланди».

5. 4-автотранс саройи ҳисса-дорлик жамаияти бошлиғи Р. Саиджонов машина карбюратор-ларидан чиқадиган зарарли газ-ларни вақтида назорат қилма-гани учун 1750 сўм жарима тў-лашга мажбур бўлди.

6. 3-уйсозлик комбинати кор-хонасида атроф-муҳитга зарар-ли чиқиндиларни чиқариш мўл-лақ ман этилганлигига қара-май, корхона раҳбарлари эъти-борсизлик билан атроф-муҳитни зарарсизлантиришга маълум да-ражада «ҳисса» қўшиб келинган. Шунинг назарда тутиб, боз му-ҳандис Р. Арслонрўва 5250 сўм-лик миқдорда жарима соли-ни.

7. «Керамзитбетон» ҳиссадор-лик жамаиятининг 2-ҳудудига жойлашган мўй маҳсулотлари-ни сақлаш омборхонасида бел-гиланмаган жойларга ёнғили-мойлаш маҳсулотлари тўқиб атроф-муҳит ифлослантирилган. Бунинг учун корхона шефи бош-лиғи М. Фозилрўва Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиноят кодексининг 72-моддасига асо-сан 1750 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

8. «Гидротехника ва кўкалам-зорлаштириш» корхонасида бел-гиланмаган жойга мўй маҳсу-лотлари тўқилиши ва сув захи-раларини муҳофаза қилиш қо-далари бузилганлиги бос уста-хона бўлиши А. В. Иверга 3500 сўм жарима солинди.

9. 18-автотранс саройи ҳисса-дорлик жамаияти ҳудудидан ариқлар тозаланмаган. Уларни-ни ичи тўқилган мойлар билан ифлосланиб ётди. Бу ўз на-вбатида сув ресурсларини му-ҳофаза қилиш қўмитасининг бузи-шга олиб келди. Мана шунинг-назарда тутиб сарой директори ўринбосари О. Маъруфрўва назо-ратчилар томонидан белгилан-ган 1750 сўмлик жаримани тў-лашга мажбур бўлди.

10. «Тошфойт» трестининг ку-рилиш участкаси бошлиғи М. Исмоилрўва ҳам атроф-муҳит ҳа-восини муҳофаза қилиш қоид-ларига риоя қилмаганлигида айб-ланиб, Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиноят кодекси-нинг 88-моддасига асосан 1750 сўмлик жаримасига тортилди.

Саҳифани Маҳмуд ҚОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

Санҳоат

НОВВОЙЛАР
МУРУВВАТИ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани «Бо-нистон» маҳалласида 1995 йилда ишда тушган «Ўздонмахсулот» корпорациясининг Тошкент нон корхоналари уюшмаси тизимидаги «Богистон» корхонаси шаҳримиз аҳолисини турли хил люкори сифатли нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб келаётган нешқадам жамоалардан ҳис-обланади.

Туманнинг аҳоли зич яшовчи ҳудудига фасолият юритаётган, замонавий чет эл технологияси билан жиҳозланган бу корхонада иш жараёни кечаюз кун-дуз ташкил этилган. НоввоЙхонада 112 нафар нов-вой: хамир қорувчи, шакл берувчи, қандолатчи ка-би ўз касбининг моҳир усталари бир кеча-кундуз-да 20-22 тоннагача 30-40 турдаги юқори навли нон-бўлка, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда-лар. Дастлабки йилларда «Богистон» корхона-сининг қуввати кунига 5-7 тоннадан 10-12 тоннага-ча етди. 1997 йилда истеъмолчиларнинг истаакла-рини ҳисобга олиб, қўшимча равишда яна бир кеча-кундузда 10-12 тонна миқдорда қолипланган нон тайёрловчи 2-ФТЛ печи ишга туширилди. «Де-мак, ҳозирги пайтда новвоЙхонада бир кеча кун-дузда 18-20 тонна қолипланган нон, икки тонна нон-миқдорда бўлмоқда, печенёе каби маҳсулотлар иш-лаб чиқаришмоқда. Корхонада маҳсулот ишлаб чи-қариш қувватининг икки марта ортиши туфайли ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари ҳам кўпайди. Шу боис новвоЙхона жамоаси миллий қадриятла-римиз — меҳр-мурувват, ҳайр-эҳсон каби ишларга кўпроқ ёрдам бериш имкониятларига мўъссар бўл-ди. Олинаётган даромадлар натижасида корхона маъмурий жорий йилда «Оқлон» ҳақасида F Фа-фор Рашидов номи 98-мактаб-интертидаги е со-лиғи заиф, ногирон болаларни соғломлаштириш ва тарбиялаш тадбирларида сидқидиллан 100 л ми-нг сўм маблағ ҳадя этди. Бундан ташқари ммана бир неча йилдирки, новвоЙлар аҳли туманнинг «Бо-гистон» маҳалласида истикомат қилувчи 1 кам таъминланган кўп болали 10 нафар оилага ҳарр ку-ни бепул ўз автоуловидан нон маҳсулотларини етқа-зиб бериб туради. Нон корхонасида бўлсангиз ўз баракали меҳнатлари билан кўпларга ўрнат бўлаёт-ган новвоЙ Марғуба Қосимова, уста Рустам Ўқсўп-жонов, хамирчи Раҳматжон Шералиев, катта созо-ловчи-механик Бахтиёр Тошматовларнинг меҳнат-ларидан кўнглингиз тўлади.

Бу даргоҳда тайёрланаётган барча маҳсулотлар юқори сифатли бўлиб, улар Акмал Икромов, Чиллон-зор, Сирғали туманларидаги 100 дан зиёд жамоа, хусусий савдо тармоқларида олдидан тuzилган иша-ртномалар асосида қатъий жадвалга биноан пеш-ма-пеш жунатилиб турилибди. Корхона жамоаси «фу-қароларига», кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган меҳр-мурувватдан ҳамма мамнун.

Малик НУРИДДИНОВ.

Кузги чақиршқ

ЗИММАДАГИ
МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Муствақил юртимизнинг оsoйишталлигини таъмин-лаш ва тишчилигини сақлаш — бизнинг асосий вазифа-ларимиздан биридир. Бу ишда айниқса Ватани-миз сарҳадларида хизмат қилаётган ади қомат йи-гитларимизнинг ҳиссалари катта. Мана, бу йилда кузги чақиршқ ҳам бошланиб, Ватан ўғлонлари юрт-тимизнинг турли вилоятларидаги қурулди қўчалар, чегара, ички ва қоровул қўшнларини сафарларида отла-нишмоқда. Шундай экан, бу йилда кузги чақиршқ шаҳримиз туманларида қандай ташкиллаштирилган? Бу борадаги вазифалар нималардан иборат бўлмақ-да? Чақиршқ унинг аҳоли қандай? Биз уш-бу саволларимизга ойдинлик киритиш мақсадида Тош-кент шаҳар Мудофаа ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Сирожиiddин Холиқназаров билан суҳбат-лашдик.

— Сирожиiddин Мир-захамдамович, суҳба-тимиз аввалида туман-лардаги чақиршқ пункт-ларидаги аҳвол тўғри-сида тўхталсангиз...

— Аввало шунинг айтиш керакики, ҳалигача бирор-та ота-она олдимизга ча-қиршқ пунктлари аҳоли тўғрисида шикоят қилиб келганича йўқ. Ваҳолан-ки, биз тез-тез чақиршқ пунктларининг шарт-ша-роитлари билан танишиб, ундаги мавжуд камчилик-ларни биргаликда ҳал қи-лишга ёрдам берамиз. Шу боисдан ҳам бу ердаги шароитлардан ҳамманинг бирдек қўнгли тўқ.

Шунингдек, биз барча чақиршқларини рўйхат-га олиб, уларни ўрганиб, нималарга қизиқиши тў-ғрисида фикрлашиб ола-миз. Ва яна бевоcита уларнинг ота-оналари би-лан учрашиб, оилавий шароити билан ҳам яқин-дан танишиб чиқдик. Сў-нгра чақиршқларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда турли ҳар-бий қисмларга ажратиб чиқамиз. Бундан албатта улар ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд.

— Болаларни тиббий қўриқдан ўтказайтган шифокорларга қандай кулайликлар яратил-ган?

— Муаммолар бор. Аммо айтиш пайтдаги асосий муам-моласи бу — чақиршқчи-лар орасида вақтинчалик қолган, муқобил хизматда-ги ва умуман соғлиғи ту-файли хизматга бормаган-ларнинг масаласини ҳал қилишдир. Ўйлайманки, бу масала ҳам тез кунларда ҳал этилади.

Фарзандларимиз ичиди-да бораман, бу менинг йи-гитлик бурчим» деб, бош-қаларга ўрнат бўлаётган ўғ-лонларимиз кўп. Биз шу-лардан хурсандмиз. Хи-з-матга отланаётган барча ўғ-лонларимизга ой бориб, омон қайтишларини тилаб қоламиз.

Суҳбатдош Очил ҲАЗРАТОВ.



№ 9 (93) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

БАРЧАНING ИШИ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси-нинг шаҳримиздаги корхона, муассаса, ташкилотлар раҳ-барлари, маҳалла қўмиталари раислари, барча фуқароларга МУРОЖААТИ

Азиз ҳамшаҳарлар! Пойтахтимиз Тошкент Шар-қининг энг гузал шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда унда турли миллатга мансуб 2,5 миллион аҳоли тинч ва дотув яшамоқда. Уларнинг ҳар томонлама му-ҳофазаси ҳақида ҳукумати-миз диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Азим шаҳримизда бугунги кунда 13 мингдан ортиқ кор-хоналар, завод ва фабрика-лар фаолият кўрсатмоқда. Бу ишлаб чиқаришлар аҳоли турмуш даражасини янада ях-шилаш йўлида хизмат қилиш билан бирга улардан чиқаёт-ган ҳар хил чиқиндилар, ту-нлар она табиатимизга маъ-лум даражада зиён-заҳмат етказиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Боз устига ҳар куни шаҳар кўчаларида камида 150 мингдан ортиқ автотранс-порт воситалари ҳаракат қилиб

аҳоли манзилини яқин қи-сада, лекин улардан чиқаёт-ган юз тонналаб ёнғили қол-диқлари шаҳар ҳавосини бул-ғамоқда. Албатта бу зарарли моддалар инсон саломатли-гини ва дотув яшамоқда. Уларнинг ҳар томонлама му-ҳофазаси ҳақида ҳукумати-миз диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Хозир ўлкамизда олтин куз кезапти. Бу мавсум ўзга фас-лардан ҳазонрезлиги билан ажралаиб туради. Шундай экан, дархатлардан тўқилаёт-ган барг ва ҳазонларини ўз вақтида супуриб-сидириб олиниб, белгиланган жойларга элиб ташламоқ ло-зим бўлади. Зинҳор-базирҳор баъзи бир фаррошлар ёки хонадон бекалари томонидан уларни ёқиб ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда бу шаҳар ҳавосини янада иф-



Олтин куз неъматлари.

Луқна

ҲАЗОННИНГ ЁҚМАНГ ДЕЙМИЗ-У...

дан (буни қаранг, бу ерда ас-лида қўзидан азият чекиб ёт-ган беморлар ётишди, шу боисдан бу ерда умуман ту-тун бурқсимаслиги керак) ўтаётганимизда осмон фа-лакка ўрмалаётган қуюқ ту-тунда дўз келди. Ажойиб дўстимиз Шухрат Усмонов-нинг кизини турмушга узатиши муносабати билан бераётган эралабчи ошини еб, қайтиб келаятганимизда шу ерда яна тўхташга мажбур бўлдик. Са-баби ҳали биз юқорида айт-ганимиздек, бу ерда тўплаб қўйилган ҳазонларга кимдир ўт қўйиб юборган, ундан бур-қимётган тутуннинг аксария-ти шу клиник касалхонаси ёни-

возаси жойлашган А. Саидов кўчасидаги касалхона билан куча ўртасига қўйилган бетон девдордан касалхона томон ўрмаларди. Айтинг-айтинг, шу дамда бу ерда давола-наётган беморлар ишқилиб ширин уйқуда бўлишсинда. Борди-ю, қўзларни гира-ши-ра очик бўлса ўрмалаётган ту-туннинг азиятини биринчи бўлиб улар ўзларида «синаб» кўришди. Ана шунга одам ачинадиган ачинади. Шу ўринда бизни бир савол уйлантирди: নাхоти, шу кас-салхона дарвозаси ёнида ўтирган қоровул ўзидан 15-20 метр узоқликда бурқ-симётган тутунни қўрмаган ёки

сезмаган бўлса. Лоқайдлик ҳам шунчалик бўладими? Шу куни шаҳримизнинг яна қанчадан-қанча жойлари-да тўплаб қўйилган ҳазонлар-нинг ёқилмаганлигига ким ҳам қаролат бериши мумкин? Лекин ўтган ҳафтада Тошке-нт шаҳар ҳокимлигида, эпи-демияга қарши кураш фа-вқуллода комиссиясининг на-батдаги мажлисида ҳазонлар-ни ёқмаслик кераклиги бот-бот такрорланди, бу ишга му-тасадди бўлган идораларни-нг масъулияти ҳақида сўз борди. Энди буни қарангки, жон қўйдириб айтилган гап-лар бир ёқда қолиб, масъу-лиятни сезмаган, лоқайдлик

Ҳазон ёқилганда аввало кишининг кайси аъзосига қаттиқ таъсир қилади? Яқин-яқин ўтмишида она-ларимиз ва оналаримизнинг ўчоқ бошида ҳўл ўп-қини ёқилмай, ундан бурқси-ган тутундан кўзлари ён-лашиб, уш оқомай тур-ганисининг кўп бор ҳуво-ҳи бўлганми. Ҳозирги тур-мушимизда гадан фойда-ланганимиз бос бундай ту-тун билан қўнганми-миз. Лекин яқинда ҳудди ана шундай тутун билан-га дўз келди. Қасрда дейсими? Уштининг.

Бундан беш кун муқад-дам, яъни 22 октябрь эр-талаб соат 5 дан 30 дақи-қа ўтганда республика кўз клиник касалхонаси ёни-

(Охири. Боши 3-бетда).

Онам ўзининг шикаста товуши билан каттакан боғнинг бир бурчагига бир уй-бир айвон солинган ва томорқаси шунчаки рамзий маънода чегара эканлигини билдирувчи одам бўйидай-одам бўйидай тол поялари ила ўраб олинган девордан туриб чақирди:

— Фулом, ҳе-е, Фулом!

Хайрият, тоғам уйда экан.

— Э-э, Ассалому алайкум, келинг, опа! — деб очик чехра билан кутиб олди тоғам. — Бу ёқдан айланиб ўтинг.

— Йўқ, шочиб турибман. Шу ер ҳам бўлаверди.

— Ҳа, тинчликми? — Тоғам бир менга қараб қўйиб, оламга юз тутди.

— Манави жиянингни қара?!

— Ҳа, нима қилибди?

— Э-э, юрагини ўйлатиб, Қичқирикча бордим, дейди. Чўмилибди. Балик тутибди. Қармоқни сан қилиб берган эмишсан. Тагин гапни тўқитган бўлмасин деб, олдинга олиб келувдим...

— Шуми, бор гап?

— Ҳа, шу... — Онам чуқур хўрсиниб қўйди.

— Вой, олам тушмагур-ей, сал нарсаса ташвиш тортадиган бўлиб кетибсиз. Қармоқни мен қилиб бердим. Ўғил бола бўлгандан кейин, ҳар нарсани билиши керак-да! Чўмилиш, балиқ тутсин, югурсин!.. Ана ўша тутиб келган балигини дарров тозалаб, қовуриб беринг. Бир бўлагини менга олириб юборинг, — деб қилиб қўйди тоғам. Кейин менга ўгирилиб, сўзини давом эттирди. — Сан энди борақол, жиян.

— Ҳа, сан бор. Дарсингни қил, — деди онам.

Дарсимни мен бир пасда қилиб қўяман. Шу боис кетатубри хов нариқдаги йўгон ёнқоқнинг орқасига лип этиб ўтириб олдим. Мен ҳақимда нималар дейишаркан, деб гап пойладим. Тўғри, гап пойлаш ёмон дейишди, аммо ҳар қалай ҳақиқат аён бўлади. Шунинг учун дамимни чиқармай ўтирабердим.

Тоғам гапирарди:

— Ҳар нарсаса ташвиш тортаберман-да! Ўғлингиз яхши бола. Агар тўғрсини айтадиган бўлсам, акасидан кўпроқ буни

яхши қўраман.

— Мен ҳам шунақаман.

— Ҳечам унақа эмасиз! — Тоғам норо-зи оҳангда бир бошини иргаб қўйди. — Қачон қараса-урасиз-у!..

Онам йиғламсирашга тушди:

— Нима қилай энди?! Тўполон қилади. Болалар билан уришади. Кўпинча уларни уради. Аналари кейин менга шикоят қилади. Кейин «мана, сенга» деб, жиянингни ураман.

— Энди, ростдан ҳам поччанг қўлига қурол олмай ўлиб кетганми?

— Йўйуқ, Миргани поччанга қурол берган. Чунки улар Олма-отада оз муддат бўлса ҳам ҳарбий таълимдан сабоқ олишган. Энди, булар энг қийин жойга тушиб қолишганда. Калинин fronti, урушнинг дастлабки пайтларида энг расво жой бўлган. Мана, ҳаёлингизга келтиринг: каттакан бир тепалик. Шу тепаликнинг ичига немис зангар (жуда каллалик халқ бўл-

беклар ўша ерда қўқиб кетган...

— Вой, эссизгина-ей...

— Одамга алам қиладиган жойи шуде!.. Биласиз, Япония бир қатор ороларга жойлашган кичкинагина бир мамлакат. Лекин халқи нихоятда меҳнаткаш.

— Қурмағурлар, кичкинтой-кичкинтой бўлади-я! Навоий театрусини асосан шулар қуришган экан-у...

— Ҳа, тўғри. Япон асирлари бу ерда кўп ишлар қилган... Энди, мен сизга айтадиган бўлсам, Германияни енгиб, навбат Японияга келганди. Қурол-аслаҳалар ортилган, аскарлар билан лик тўла улкан-улкан ҳарбий кемаларимиз Япония томон йўлга тушади. Тамоман қирғоқнинг олдида боришнинг иложи йўқ. Катта кема-да! Бирдан буйруқ келади: «Қирғоққа яқин турган кемалардаги аскарлар соҳилга сузиб ўтишсин!» Ана шунда сузишни билмайдиганларнинг шўри қуриди. Нега? Бутун қурол-аслаҳаси, орқасидига қопи билан, унинг устига қўпол-қўпол этик қийган ўзбек аскарлари, биз сузишни билмаймиз, деб тўхтаб қолишди. Кеманинг бурни олдида келиб олган командир, тўппончасини чиқариб, ҳар бир одамга «Пригай!» дейди.

— У нимаси, «пригай»?

— Сакра! — дегани.

— Вой, шўрим... Вой, қирилиб кетгур!.. Унга «ҳой» дейдиган одам йўқми?!

— Э-э, опа, у пайтларда нималар деясиз. Командирнинг айтгани-айтган. Тамом. «Сакра!» — деса, сакрайсиз...

— Агар сакрамаса-чи?

— Бир тепиб сувага итқитиб юборади.

— Вой, командир бўлмай ўлиб кет-а!

— Шунча қилиб, ўша ернинг ўзида қанчадан-қанча сузишни билмайдиган одамлар ўлиб кетган. Ўшаларнинг кўпчилиги ўзбеклар эди...

— Ҳа, уруш қуриб кетсин-а... Қанча одамларнинг бошини олиб кетди.

— Ўша учун айтаман-да, айниқса, ўғил бола сузишни билиши шарт!.. Сиз бўлсангиз, сузишни ўрганиб олган ўғлингизни уришмоқчи бўласиз... Менга қаранг, опа, шунча гаплашар эканмиз, бундай айланиб ўтинг...

ҚУЛОҚ ҚИЛИНГАН БОЙНИНГ ФАРЗАНДИ

(Романдан парча)

— Урманг ўшанда. Тушунтиринг. Бунақа қилса ёмон бўлади, денг. Уят бўлади, денг... Тушунади. Сиз бўлсангиз, жонини ачитиб урасиз. Тагин камар билан... Келинг, опа, мен сиздан илтимос қиламан, шу камар билан уришни йўқ қилинг. Ҳечам урманг. Ахир бу — йигитча бўлиб қолди. Бўптими? Келишдикми?

Онамнинг чуқур хўрсингани эшитилди. «Ў-ў, буёғи зўр бўлди, — деб қўйдим ўзимча. Худо хоҳласа — энди калтак ейишдан халос бўлдик». Яшанг тоғажон!

Сўхбат нима билан якунланар экан, деб яна қўлогимни динг қилдим.

— Энди, чўмилиш масаласига келсак, тўғри қилади. Ўғил бола бўлгандан кейин, сузишни билиши керак. Биласизми, урушда нима бўлган?

— Нима бўлган?

— Э-э, опа, урушда қанақанги ёмон ишлар ўтиб кетди.

— Нимасини айтасан ука! Мана, яқинда додам айтиб бердилар. Поччанг...

— Э, бўлди. У нарсани додамга мен айтгандим. Улар дарров сизга етказибдилар-да...

ганда булар) бетондан уй қуриб олган.

— Вуй, жувономарг бўлсин!..

— Буни ҳарбий тилда дэот дейилади.

— Жа-а, оти галата экан-у...

— Мана шу дэотнинг ичига немислар ўт очарини қўйиб олган, яъни пулемётини. Пастлик шундай кафтдай қўриниб туради. У пайтда аҳмоқ командирлар кўп бўлган, билдизми? «Мана шу тепаликни олампиз!» деб пастдан аскарларимизни мўр-малаҳдай юбораберишган бизниқилар, «Олга!» деб. Немис бўлса, ҳаммасини битта қўймай тутдай тўкаберган. Ол-лох раҳмат айлаган бўлсин, менинг билишимча, ана ўша машъум тепалик учун бўлган жангларнинг бирида Миргани поччанг...

Гап гапирилмай қолди. Четан деворнинг у ёғида тоғам, бу ёғида онам бурнларини тортишиб, йиғлаб олишди. Биринчи бўлиб онам тилга кирди:

— Энди, анави гапирилмай қолган гапнинг айт...

— Ҳа-а, у Япониядаги воқеа, опа...

— Нима бўлган?

— Нима бўларди! Қанчадан-қанча ўз-

Ғазалхонлиқ

ЭЙ ҚАЛБИМ

Эй қалбим, сенга жоннисор ёронингдан кечма,
Дил уйида соф орзу-ю армонингдан кечма.

Қонингда мудом чайқалур офтоб каби бир нур —
Ахлоқу одоб, сен яна иймонингдан кечма.

Мақсад сари йўлга чиқиб бонг урса гар эл,
Сен жондан кечсанг кечгину қарвонингдан кечма.

Тарк этмас ахир сор лочиним чўққи-мақонин,
Бул фирдавс мисол ошиён, бўстонингдан кечма.

Аллома бўлиб гарчи сен эй, қуш тилин билсанг,
Жавҳари ноёб ўз тилинг — забонингдан кечма.

Андалиб каби қуйла Заби эл сифотиини,
Ёғса ҳам тошлар бошинга хушхонингдан кечма.

НА ҚИЛАЙ?

Бошим узра соя солмас соябонни на қилай?
Қалбиди меҳру вафо йўқ меҳрибонни на қилай?

Гар мусаххар айласа ҳам етти иқлим ганжини,
Бир ғариб қўнглин ололмас нотавонни на қилай?

Андалиб гулшанаро васф этса гулзор васлини,
Завқу шавқдан мосиво бехонумонни на қилай?

Қошима келмас эса дил сўргали номехрибон,
Кеча нур сочмас ул шамиъ шабистонни на қилай?

Эй, муғанний, бўлма маҳзун, базмари созингни черт,
Раият ишқидан ортиқ армуғонни на қилай?

Забихилло НУРУЛЛОЗ.



Нуронийларимиз

БОҒБОНЛИККА ОШУФТА КЎНГИЛ

Нуроний отахон ва онахонларнинг бир дақиқалик сўхбатларига қўлоқ тутсангиз, гўё мазийга қайтиб жамийки ўтганлар билан юзлашгандек бўласиз. Мен бундай тўйғуни шахримизнинг қоқ марказида истиқомат қилиб, боғбонлик ошuftаси бўлган Гофур ота Юсупов билан сўхбатлашганимда сездим. 85 ёшга тўлган отахон шу ёшга етгунча қадар давлат ишларида меҳнат қилиб, оқилу доно, бир-биридан хушрўй фарзандларни вояга етказганлар. Турмуш ўртоқлари Хайрихон ая билан салкам 60 йилдан буён аҳил ҳаёт кечирибди. 16 назира, чевараларнинг суюкли буваси, бувижоналарига айланишган.

Баланд қаватли уйларнинг олдиди боғ барпо этиш оддий тил билан айтганда мўъжиза десак аниқлишмайми. Гофур ота ва унинг қўни-қўшнилари ана шундай мўъжизани яратибди.

Юртимизнинг энг иссиқ ўлкаси Сурхондарёда хурмо дарахти кўп ўсади. Иқлим шароити жиҳатидан биздан бироз (тублан) фарқ қиладиган бу юртга хизмат юзасидан борган Гофур ота айлани қуз чоғида худди олтиндек товланиб турган хурмо меваларини қўриб, уларга ҳаваси келади. Ана шунда, албатта Тошкентда ҳам хурмо ўстириб, унинг ҳосилини қўриш мақсадидида боғбонлик сирларини ўрганади. Мана, 23 йилдирки, Сурхондарёдан келтирилиб экилган хурмо дарахти баланд қаватли уйлар олдидида ҳовлида ҳосил беради.

— Мен боғбонликнинг шайдосиман десам, қўш-

ниларим мендан ҳам ўтиб тушди, — дейди сўхбат чоғида Гофур ота. — Бир ёнимда раҳматли дўстимнинг ўғли Илҳом, бир ёнимда дўстим Иброҳим Хўснотидинов ҳамда Муроджон Мирқосимов. — Улар ҳам кичкинагина ҳовлиларига хурмо, анжир, анор, олма ва бошқа мевали дарахтларни экишиб, ҳосилини мазза қилиб еб юришибди. Мен сизга айтадиган бўлсам «Боққа қарасанг боғ, қарамасанг юракка доғ» дейишди. Биз, «Марказ-1» даҳаси, Абулқосим Фирдавсий маҳалласидаги боғ яратиш иштиёқи билан ишлан келдикми қўлга белкуррак, кетмонни олиб ҳовлига чиқамиз. Жисмоний меҳнат ақлий меҳнатдан кейин кишига ором бахш этади.

Мен ҳозирги кундаги айрим кимсаларга ҳайронман. Улар нима учун тинчликни иштамайди. Шу ўринда бир донишманд отанинг ўғлига айтган ривоятини ёлға олгим келди: «Болам, сен олдин

гуллаб, кейин ҳосил берадиган бодом дарахти бўлмагин, олдин ҳосил бериб, сўнг бағр чиқарадиган тут дарахти бўлгин». Бу ривоятнинг маъносини англаб етган бўлсангиз юртимизнинг мустақилликка эришгандан бери саккиз йиллик тараққиёти юз йилда қўлга киритиладиган ютуқлар самарасига тендир. Бу ҳазил гап эмас. Чунки галла, чорва, пахта маҳсулотларини етиштириб, нефть, газ, тилла каби бошқа ер ости бойлиқларига ўзимиз эга бўлишимизнинг ўзи ҳам катта бахт эмасми? Энди эса ҳамма соҳада ақл-идрок билан иш юритиб мустақилликни, тинчликни мустаҳкамлаш ўз қўлимизда.

Юртбошимиз бекорга маҳалларни ўз-ўзини бошқарув органига айлантириб, уларнинг ролини ошираётганлари йўқ. Айниқса Тошкент шаҳридаги маҳалла — фуқаролар йиғини ўз-ўзини бошқарув органи бўлиб, ақиллик билан иш қўрилиши мустақиллик туғайли

экилган тинчлик уруғининг мевасидир.

Маҳалланинг ўрни қай даражада бўлиши ҳаммага маълум. Бироқ ҳар бир инсоннинг маҳаллада тутган ўрни бўлмоғи керак. Яшаб турган хонадонга шунчаки кириб чиқармай атрофга ҳушёрлик билан боқиб, ҳар бир воқеадан огоҳ бўлиб, осойишта яшашни билиши керак. Бир вақтлар «Тошкент — нон шаҳри» деб ном таратган. Ҳозирда эса «Шарқда ягона Тошкент» бўлиб донг таратмоқда. Пойтахтимизнинг ҳар бир кўчаси ва ҳар бир маҳалласида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кўнгилдагидек олиб бориюмоқда. Айниқса, бизнинг Мирзо Улугбек туманидагилар барчага ўрнак.

Юртимизда маънавиятга эътибор кучайди. Эндиликда фарзандларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият қаратмоқлик керак. Шу кунлардаги жаҳонда бўлаётган воқеа ва ҳолисаларни «ойнаи жаҳон» орқали қўриб, радиодан эшитиб: «Бирни қўриб фикр қил, мингни қўриб шукр қил», дегим келади. Оллоҳга шукроналар айтиб, ҳар бир ўтаётган тинч вақтимизнинг қадрига етайлик. Яратган эгам, жумлаи мўминга, халқимга, оиламга, соғлиқ-саломатлик, ҳамжihatлик, хотиржамлик этга этайсан, деб сўрайман.

Айни шу кеча-қундузда барчамиз сайловолди тайёргарлик ишлари билан бандмиз. Бизнинг Конституциямизда белгиланган ўз ҳуқуқимиз билан, ўзимиз истаган номзодни сайлаш ҳуқуқига эгамиз. Бундай ҳуқуқдан одилона фойдаланиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир...

Юқорида бир туп хурмо тарихидан бежиз сўз очганимиз йўқ. Бундан салкам чорак аср олдин экилган хурмо дарахтини кимлар қўрмади, ҳосилдани кимлар емади дейсиз. Насиб этган кишиларнинг оғзи тегибди. Меваи дарахтнинг ҳосилини кўп. Бунга оғирчилик йилларини қўрган кексалар яхши билишди. Юртим оёдо, дастурхонимиз янада маъмур бўлиш деган инсон дарахт экади. Шундай меҳнаткаш инсонларнинг фарзандлари ҳам ота-оналарига ўхшаб фазилатли, диёнатли, халқпарвар бўлиб етишади.

Гулзода МАМБЕТОВА.
СУРАТДА: Гофур ота Юсупов.
Валерий Харитонов олган сурат.

Вирусли гепатитлар бутун дунёда кенг тарқалган юқумли касалликлардан биридир. Статистик маълумотларга қараганда дунё бўйича йилга 100 миллиондан ортиқ бола ўткир вирусли гепатитнинг ҳар хил турлари билан касалланади.

Кўп ҳолларда касалликнинг сурункали турига ўтиш жараёни кузатилиб беморнинг ҳолатига жиддий хавф солиб туради. Сарик касалликлар ичиди энг кўп тарқалган тури — бу вирусли гепатит А ҳи-

лиши билан шифокорга мурожаат қилиниши зарур. Захарланган сув, озиқ-овқат ва мулоқот орқали тарқаладиган сарик касаллиги очик сув ҳавзаларининг ифлосланиши, кимёвий кўрсат-

Шифокор огоҳлантиради САРИҚ ХАСТАЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

собраниб, касалликнинг бу тури болалар орасида кўп учрайди. Юқумли сарик касаллигида жигарнинг вируслар билан жароҳатланиши ушбу аъзо билан боғлиқ бўлган ўзгаришларга олиб келади ва беморда кучли захарланиш аломатлари, тана сарғайиши кузатилади.

Юқумли сарик касалликларини кўзгатувичилари гепатитрон вируслар ҳисобланади. Улар ташқи муҳитга ўта чидамли бўлиб, 96 даражагача ҳароратда 2 соатгача сақланиб қолиш хусусиятига эга. Паст ҳароратли қуруқ шариоитда ҳам узок вақт сақланиб қолади. Касаллик манбаи бемор бўлиб кўзгатувишни ахлат ва пешоб орқали ташқи муҳитга сарик олди даврида жуда кўп миқдорда чиқара бошлайди. Шунинг учун юқумли сарик касаллигининг сарик олди давридаги белгиларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Касаллик ўткир бошланиб бемор бола ҳарорати биринчи кунларданкоқ юқори даражага кўтарилади ва ҳатто 38-40 даражагача етади. Биринчи кундан бошлаб захарланиш аломатлари, катарал белгилар (йўтал, аксирин, талоқ оғриши) яққол кўзга ташланади. Беморнинг ҳолисила-ниши, иштаханнинг йўқолиши ва қушиш белгилари кузатилади. Сарик олди даврида жигарнинг катталаниши ва қорин оғриш белгиларининг сустлиги тўғри ташхис қўйишда айрим қийинчиликларга сабаб бўлади. Бемор болада юқорида кўрсатилган белгиларнинг кейинги 2-3 кунда камайиши ва нисбатан аҳволнинг яхшиланиши оқибатида болаларнинг мактаб, яслига, боғчаларга қатнаш ҳолатлари кузатилади. Айнан шу даврда қушиш омиллари юзага келиб, юқумли сарик касаллигининг эпидемия шаклида кечishiга олиб келади.

Бемор боланинг шиллиқ қаватида ва терисиди сарғайиш аломатлари пайдо бў-

кичларининг талаб даражасига жавоб бермаслиги вирусларнинг кўпайишига ва эпидемияларга олиб келиши мумкин. Октябрь-декабрь ойлари бу жиҳатдан энг хавфли давр ҳисобланади. Ушбу хасталикнинг эпидемик жараёни мавсумийлик, даврийлик ва ижтимоий-биологик ҳолатларга ҳам боғлиқдир. Бемор хасталикнинг яширин даврида шифокорга ётқизилиб, ўз вақтида даволанмаса асорати оғир ўтади.

Шуни айтиш керакки, сарик касаллиги фақат тиббиёт муаммоси эмас. Хасталикнинг олдини олишда ижтимоий коммунал муаммолар ўз ечимини топиши ва шахсий профилактика алоҳида аҳамиятга эга бўлиши жуда зарур. Жумладан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, дала шийпонларида, бозорларда санитария ҳолатини талаб даражасига кўтариш, жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиялари қарорларининг ижросини назоратда олиш талаб қилинади. Шахсий профилактикада эса покизаликка риоя қилиш, ҳатто водопровод сувларини ҳам қайнатиб ичиш, дуч келган жойларда овқатланмаслик, касаллик белгилари пайдо бўлганда шифокорларга мурожаат қилишни маслаҳат берамиз.

Боғчалар ва мактабларда сарик касаллигининг олдини олишда ошхоналар санитария ҳолати, ўқитувчилар учун машгулотлар ўтказиш, ўқувчиларга диетант ёзириш, бемор ўқувчиларни тезда ажратиб олиш, мактабларни етарли миқдорда сантехника жиҳозлари билан таъминлаш шартдир.

Мумтоз ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтининг директори.



Ҳар бир соҳага болада қизиқиш уйғота билиш учун унинг ёшлигидан ҳаракат қилиш керак. 517-болалар боғчасида ҳунарга қизиқтириш амалий машгулот орқали тушунтирилади. Бу борада Аня Цирулованинг тажрибаси катта. Болалар боғча опасидан оқошлик сирларини ўрганишмоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунча ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712)
133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ,
2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Собир Раҳимов туманидаги А. Муродхўжаев номли 23-мактаб томонидан 1994 йилда Бахтиёр Билоловчи Султонов номига бе-ерилган 415368 рақами ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси жамоаси бош бошқарманинг соғик ходими

Мавлода Юнусовна Бекбаева-ИБРОХИМОВАнинг бевакт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оилата аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият бош бошқармаси ваа Собир Раҳимов тумани маданият бўлими ходимлари М. Қориев-кубов номли 2-болалар санъат мактабининг раҳбари Ф. К. Акба-ровга отаси

Қосим АҚБАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади-лар.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, жамоатчилик ташкилотлари ва оқватлиниш гигиенаси кафедраси ходимлари катта ўқитувчи Р. Р. Усмоновхўжаева падари бузруквори Рихисвой ота УСМОНХУҲАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳаҳми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.